СҮНГГИ СОАТДА

ЦЕХ КОРХОНАГА АЙЛАНДИ

ХОРАЗМ. Тадбиркор Ҳ. Маткаримов бундан икки йил олдин мўъжазгина терини қайта ишлаш ва пўстин тикиш цехида иш бошлаган эди. Сўнгра у "Хоразм" жамоа хўжалиги ҳудудида йирик ишлаб чиқариш мажмуасини бунёд қилди. Эндиликда қўй терисини қайта ишлаш замонавий технология асосида олиб борилмоқда. Ҳамдўстлик ва бир қатор ривожланган мамлакатлардан замонавий ускуналар, тикув машиналари келтирилди. Тадбиркор йигит бу билан чегараланиб қолмасдан корхонанинг иккинчи навбатини ҳам ишга тушириб, мол терисини қайта ишлаб, пойабзал тайёрлашни режалаштирмоқда.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

ЯНГИ ҲОСИЛ ТОЛАСИ – УММОН ОРТИГА

АНДИЖОН. Бўз пахта тозалаш корхонаси жамоаси мавсумни қутлуғ бошлади. Янги қабул қилинган пахта ҳосилидан 400 тонна тола тайёрланди. Унинг сифатини мутахассислар аъло баҳоладилар. Юқори сифатли толага харидорлар ҳам тез топила қолди. Янги ҳосил толасининг 200 тоннаси Америка Қўшма Штатларидаги "Данавант" фирмасининг буюртмасига биноан уммон ортига жўнатилди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

воқеалар, хабарлар, лавҳалар

"ЧОРСУ"ДА ЯНА БИР БОЗОР

НАМАНГАН. Шаҳардаги "Чорсу" бозорида янги бино ишга туширилди. Икки қаватли миллий услубдаги бозорда аҳоли учун барча қулайликлар мавжуд. Жумладан, чойхона, ошхона, новвойхоналар, қассобхона ва турли дўконлар бежиримлиги билан эътиборни тортади.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

"БИЛИМ ВА АМАЛ" ТАЛАБАЛАР КЎМАКЧИСИ

БУХОРО. Талабаларнинг жамиятимизда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга онгли муносабатда бўлишига даъват этиш, халқимизнинг тарихи, маданияти, умуман қадриятлари билан яқиндан танишишни такомиллаштириш мақсадида Бухоро Давлат университети ҳузурида "Билим ва амал" клуби ташкил этилди. Клуб томонидан ўтказилган "Нима? Қаерда? Қачон?", "Брейн-Ринг" сингари тадбирлар талабалар томонидан қизғин кутиб олинди.

Даврон БАҲРОНОВ

СҮНГГИ СОАТДА

ҚЎҚОН ЎРМОНЧИЛАРИ СИРДАРЁДА

ФАРҒОНА. Қизилмия ўсимлиги ўзининг шифобахшлиги билан машҳур. Дала-даштларда, тоғу-тошларда бўладиган бу ўсимлик томири қайнатиб ичилса, ўнлаб дардга даво. Афсуски, кейинги йилларда бу ўсимлик йўқ бўлиб кетаётган эди. Қўқон механизациялашган ўрмон хўжалигида қизилмия ўсимлигини кўпайтиришга аҳд қилинди. Шу мақсадда Сирдарёга яқин жойда 4 гектарлик майдон танланиб, бу ерга қизилмия уруғи сочилди. Ҳозир шифобахш ўсимлик гуркираб ўсмоқда.

Алишер ИБОДИНОВ.

ТОҒОЛДИ ҚИШЛОҚЛАРИ ГАЗЛАШАДИ

ЖИЗЗАХ. Ғаллаорол туманининг Бахмалсой ва Маданият қишлоқлари хонадонларида "зангори олов" ёна бошлади. Бу билан туманни газлаштириш 80 фоизга яқинлашди. Шу кунларда газчилар Обул, Қоронғул, Сайхун сингари ўнта тоғолди қишлоқларида газ қувурлари ётқизишяпти.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 1 октябрь, сешанба № 127 (22.048).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Халқаро симпозиум

СОҲИБҚИРОН САЛТАНАТИНИНГ МОҲИЯТИ

Самарқандда Самарқанд шаҳар ҳокимлиги, Конрад Аденауэр жамғармаси, халқаро «Амир Темур» жамғармаси ташаббуси билан «Амир Темур шахсининг замондошлари томонидан баҳоланиши ва унинг фаолиятининг мустақил Ўзбекистон ҳаётидаги аҳамияти» мавзуида халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

Анжуманни Самарқанд шаҳар ҳокими А. Носиров очди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев кириш нутқи сўзлади. Вилоят ҳокими А. Мардиев Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан олиб борилаётган тараддуд ҳақида гапириб берди.

Симпозиум қатнашчиларига Ҳамид Олимжон номли Самарқанд мусиқали драма театрида Геард Генделнинг «Тамерлано» операсидан ариялар, Алишер Икромовнинг «Амир Темур» операси намойиш этилди. Семинар қатнашчилари мухбиримиз билан ўз таассуротларини ўртоқлашди.

Жан Клод РИШАР, Франция Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси:

— Илгари бизнинг Францияда темурийлар даврини чуқур ўрганаётган, уни тадқиқ этаётган бир пайтда бу ерда у ҳақда кўп гапирилмасди. Энди эса мустақиллик туфайли олимлар мазкур савобли жабҳага чуқур кириб боришяпти. Яқинда Франция — Ўзбекистон олимлари ҳамкорликда Амир Темур ҳақида китоб чиқармоқчи бўлганлигини эшитиб ғоят хурсанд бўлдим.

Олег АКИМУШКИН:

—Россия Фанлар академиясининг академиги.

— Бугунги симпозиумдан жуда кўп нарса олдик. Муҳими, тарихий нуқтаи назарларимиз бир-бирига муштарак келди. Яна бир томони — биз ўша буюк Амир Темур қадам босган ва салтанатининг маркази қилиб олган Самарқандда мунозара юритдик. Бундан ташқари, биз кўҳна шаҳарда тарихий обидаларни, умуман тарихга муносабатни тиклаш борасида жиддий ўзгаришлар бўлаётганлигини кўрдик.

Германн ЛЮББЕ, Цюрих университети профессори:

— Симпозиум давомида дунёнинг йирик олимлари Соҳибқирон ҳаёти ва унинг бугунги кундаги Ўзбекистон Республикаси учун зарур бўлган қадр-қиммати ҳақида жуда тўғри гапларни айтишди. Хусусан, бизнинг университетда ҳам Соҳибқирон ҳукмронлик қилган салтанат чуқур ўрганилади ва унинг моҳияти жамиятни бошқаришда ҳисобга олинади.

Фармон ТОШЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТДА: Мирзачўл туманидаги "Адолат" маиший хизмат кўрсатиш фирмасининг илғор ишчиси Лаззат Соғиндиқова.

Шоназар ИБРОҲИМОВ олган сурат.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ОЧИЛДИ

30 сентябрь куни Тошкентда махсус хизмат вакилларининг уюшган жиноятчиликка қарши кураш масалаларига бағишланган халқаро конференцияси ўз ишини бошлади.

Етти давлат — АҚШ, Россия, Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистон мамлакатлари махсус идораларининг уюшган жиноятчиликка, гиёҳванд моддаларни ноқонуний йўллар билан олиб ўтиш ва тарқатишга қарши курашда ўзаро ҳамкорлик асосларини такомиллаштириш анжуманнинг асосий мақсадидир.

Етти давлат махсус хизмат вакиллари учинчи маротаба мана шундай конференцияга тўпланишди. Аввалроқ бундай учрашувлар Ашгабод ва Алматида бўлиб ўтган эди. Уларда имзоланган бир қанча ҳужжатлар, жумладан, «Тўсиқ» дастури доирасидаги ҳаракатлар муваффақият билан якунланмоқда. Ушбу дастурга кўра махсус хизмат вакиллари учун ягона маълумот тўплаш ва алмашиш тизимини яратиш, маълумотлар жамғармасидан амалий ҳамкорликда фойдаланиш кўзда тутилган эди.

Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик хизмати вакиллари ўз ҳамкасблари билан бир қанча тезкор тадбирларни амалга оширдилар, айниқса гиёҳванд-фурушларга қарши кураш борасидаги ишлар таҳсинга лойиқдир.

Конференция ўз ишини давом эттирмоқда.

МХХ матбуот гуруҳи.

Миллат ва маънавият

ХАЛҚ ДАҲОСИ ВАТАНГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Республика «Олтин мерос» жамғармасининг раиси, атоқли адиб Худойберди ТЎХТАБОЕВ билан суҳбат

— Худойберди ака, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази қошидаги «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарорининг аҳамияти ҳақида гапириб берсангиз.

— Дарҳақиқат, мазкур ҳужжат ўзининг маънавий-маърифий аҳамияти жиҳатидан ўта долзарб ҳамда тарихий қарор бўлди. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонига биноан халқимиз меросининг ноёб намуналарини тўплаш, авайлаб-асраш, тарғиб этиш, халқимиз, айниқса, ёшларимизда мустақиллик, ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, миллий анъаналаримиз ва урф-одатимиз давомийлигини, равнақини, уларнинг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашиб боришини таъминлаш мақсадида чиқарилган. Демак, халқимиз маънавияти, маданияти, қолаверса, одоб-ахлоқи тарихида янги бир давр бошланмоқда, ижод ва бунёдкорлик, олтинларга тенг меросимизни тўплаш, авайлаб-асраш, ижодкор ва санъаткор инсонни қадрлаш даври бошланмоқда. Бундай эзгу фаолият бошида мамлакатимиз раҳбари турганлиги ишларимизга алоҳида илҳом ва самара бағишлайди. Хуллас, берилиб, фидойиларча шижоат, куч-ғайрат билан ишлаш вақти келди.

— Айни пайтда жамғарма олдида турган вазифа ҳақида гапириб ўтсангиз...

— Ўзингизга маълум, «Олтин мерос» жамғармаси собиқ Маданият, «Истеъдод» «Ижодкорлар», Миллий ва ижтимоий барқарорлик жамғармалари ҳамда «Ёдгорлик» жамияти фаолиятлари асосида тузилган. Жамғармамиз олдида турган вазифалар ниҳоятда улуғ, эзгу ва ранг-барангдир. Бир нечта, энг асосийларинигина санаб ўтаман, булар; аждодларимиз яратган ижод ва санъат намуналарини асраб-авайлаш, келажак авлодларга ёдгорлик қилиб қолдириш, халқимиз даҳосига мансуб умуминсоний қадриятларни дунёга танитиш, тарғиб этиш, ўтмиш маданиятимизга хос қадимий қўлёзмалар, тарихий ҳужжатлар, халқ ҳунармандчилиги, амалий санъат намуналарини, тарихий-маданий қимматга эга ёдгорликларни излаб топиш ва ўрганиш, республикадаги ва чет эллардаги маданий-маърифий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, турли танлов, аукцион, ижодий-илмий делегациялар алмашиш ва ҳоказо шу каби ишлардир.

— Келажакдаги режаларингиз қандай?

— Жамғармамиз 8 йўналишда иш бошлади. Ҳаммаси ҳам асосан қадриятларни ўрганиш, таҳлил қилиш, йиғиш жараёнларини ўз ичига олади. Салкам 3 минг йиллик тарихимизда яратилган миллий меросимиз, халқимизни улуғловчи қадриятлар жаҳон бўйлаб турли сабаблар билан тарқалиб кетган ва бу қадриятларнинг бир қисми мамлакатимиз ҳудудида сақланиб турган экан, мақсадимиз хонадонларда асралаётган қадриятлар фақат бир кишининггина мулки бўлиб қолмасин, чет эллардаги қайси бир кутубхонада сақланаётган, азиз боболаримиз нафаслари қолган қўлёзмалар ўша кутубхонанинггина мулки бўлиб қолмасин, балки миллатимизнинг фахру ифтихорига айлансин. Ана шу мақсадда миллий кутубхона, миллий музей ҳамда халқимиз даҳосини кўз-кўзлайдиган меросимизни ва ижодий асарларни нашр қилиш ишларини режалаштириб қўйдик. Бу ишимизда, албатта, бизга халқимизнинг ҳар бир ватанпарвар вакили, зиёлиси қўлидан келганича ёрдам беради, деган умиддамиз. Умумий мақсадимиз муҳтарам юртбошимиз бошлаган ушбу хайрли ишни умуммиллат ва умумхалқ ҳаракатига айлантиришдан иборат.

Музаффар АҲМАД ёзиб олди.

ЙЎЛСОЗЛАР ТУҲФАСИ

Қашқадарё вилояти йўлсозлари Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини муносиб қаршилаш мақсадида катта ишларни амалга оширишяпти. Улар вилоят маркази — Қарши шаҳри, қадимий Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ шаҳарларидаги йўлларни тезкорлик билан таъмирлаб, бир қанча янги йўлларни ҳам бунёд этишяпти. Айниқса, Амир Темур таваллуд топган Шаҳрисабзда катта таъмирлаш ишлари амалга оширилянти. Шаҳар атрофида ўн километрли айланма йўл қурилаётгани қувончлидир. Бу йўл қурилиши яқин кунларда якунланади. Янги йўлда 35 та сув қувурлари, 4 та катта кўприк ҳам мавжуд. Кўприкларнинг кенглиги 12 метр бўлади. Бу ерда ҳозиргача асосий ишлар бажариб бўлинди.

СУРАТЛАРДА: 1. Йўл қурувчиларидан Мансур Абдуллаев ва Зиёдулла Бердиев. 2. Янги айланма йўл қурилишида.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Яқинда Бишкекда «Темур ва Темурийлар давридаги Қирғизистон» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Ушбу конференцияда тарих фанлари доктори Ҳамид Зиёев ва фалсафа фанлари номзоди М. Холматовалар иштирок этишди.

Ҳ. Зиёев «Темур ва унинг даври» мавзуида, таниқли олима М. Холматова эса «Амир Темурнинг аёлларга муносабати» мавзуида маъруза қилдилар. Ушбу маърузалар тингловчиларга манзур бўлди.

Қирғизистон пойтахтида бўлиб ўтган ушбу илмий-амалий конференция ҳақида Бишкекда чоп этилувчи «Заман», «Қирғиз туусу» ва бошқа газеталар тезкорлик билан хабар бердилар.

Ҳабиба ЮНУСАЛИЕВА.

"ОҚ ОЛТИН" хирмонига

Республика вилоятларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1996 йил 30 сентябргача бўлган маълумот

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	бир кунда	мавсум бошидан буён
Андижон	2,51	64,90
Сурхондарё	1,67	55,95
Бухоро	2,02	53,87
Хоразм	2,01	51,84
Навоий	2,04	48,01
Фарғона	1,71	47,85
Самарқанд	2,13	46,21
Қашқадарё	2,33	41,73
Наманган	2,42	39,48
Қорақалпоғистон Республикаси	1,31	29,24
Тошкент	2,41	24,76
Жиззах	1,34	14,79
Сирдарё	1,63	14,34
Республика бўйича	**1,95**	**41,60**
ШУ ЖУМЛАДАН ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА (тонна ҳисобида)		
Сурхондарё	922	18633
Қашқадарё	358	3482
Наманган	-	-
Республика бўйича	**1280**	**22115**

ИЖАРА ШАРОФАТИ

БУХОРО. Пахта йиғим-терими мавсумида мамлакатда пешқадамлар сафида бораётган вилоят хўжаликлари бирин-кетин маррага етиб келяптилар. Олот туманидаги «Олот» ижара хўжалиги пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб йиллик режани бажардилар. Қабул пунктларига 694 тонна ўрнига 710 тонна сифатли хом ашё топширилди.

Хўжаликда қисқа иш кунида режанинг уддаланиши ижара пудрати асосида ишлаш шарофатидир. 131 ижарачига шартнома асосида ер бўлиб берилганлиги ҳосилдорликни анча юқори бўлишини таъминлади. Хўжалик аъзоларининг эндиги мўлжали умумий ҳосилни минг тоннадан ошириш.

(Ўз мухбиримиздан).

ЮЗ ЁШЛИЛАР БАЙРАМИ

Навқирон Жиззах вилоятида юз ёшдан ошган 100 нафар отахон ва онахон умригузаронлик қилаяпти. Иззат-икромда кексалик ғаштини сураётган бу аср тенгдошлари ҳар томонлама ғамхўрлик билан қуршаб олинганлар. Ижтимоий таъминот ва соғлиқни сақлаш ходимлари мунтазам равишда уларнинг ҳолидан хабар олиб туришибди.

— Халқаро қариялар кунида биз уларга махсус совғалар ҳадя этамиз, — деди вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи Сокина Алимамедова. — Кўпгина отахон ва онахонларимизга эшитиш аппаратлари, ҳасса, қўлтиқтаёқ ва бошқа буюмлар берилади. Барча кексалар байрам дастурхонига таклиф этилиб, ош тортилади.

Бу ғамхўрликларга жавобан қариялар фақат миннатдорчилик билдирибгина қолмай, белида куч-қувватти борлари фойдали меҳнат билан баҳоли-қудрат наф келтиришга интиляпти.

Чунончи, Пахтакор туманидаги «Навбаҳор» хўжалигида яшовчи 50 нафар қария мачит имоми Болтабой Пирназаров бошчилигида далага чиқиб, ҳар бири 40-45 килограммдан пахта термоқда. Арғамчига қил қувват, деганларидек, олийҳиммат отахонларнинг кўмаги хўжалик хирмонига барака киритяпти, шекилли, хўжалик пахта йиғим-теримида туманда биринчи ўринда боряпти.

Вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам қариялар йиғим-теримда фаол иштирок этиб, ёшларни шижоаткор меҳнатга ундаяпти.

Норбобо ШАКАРОВ. «Ўзбекистон овози» мухбири.

Долзарб мавзуда суҳбат

Республикамизда қишлоқ хўжалик экинлари уруғлари сифатини тубдан яхшилаш, соҳани ислоҳ қилиш алоҳида эътиборда турибди. Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси VI сессиясида уруғчиликка оид қонунлар қабул қилиниши бунинг исботидир. Журналист Бобо Сароий қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Эшпўлат НОРҚУЛОВ билан уруғчилик муаммолари ҳақида суҳбатлашди.

ХИРМОН БАРАКАСИ УРУҒГА БОҒЛИҚ

Республикамизда уруғчилик соҳасида катта ўзгаришлар бўлмоқда, жумладан жорий йилнинг март ойигача ташкилотимиз пахта уруғчилигини назорат этиш станцияси деб аталиб, у республикадаги мавжуд 56 та элита уруғчилик хўжалиги ва 58 та пахта заводи қошидаги пахта уруғчилиги лабораторияларига раҳбарлик қилиб, уруғлик пахта етиштириш, унинг навдорлигини сақлаш, уруғлик пахтани сифатли сақлаш, тозалаш, чигитни экишга тайёрлаш, унинг сифатини аниқлаш ишларини ташкил этиш, бу тадбирларнинг тўғри бажарилишини назорат этиш билан шуғулланар эди. Афсуски, соҳани бундай бошқариш, уруғчиликни ташкил этиш жаҳон андозалари талабига жавоб бермасди. Ташкилотимиз бундан буён уруғчилик билан шуғулланадиган барча хўжалик ва ташкилотларда, мулкчиликнинг қайси шаклида бўлишидан қатъий назар, сифатли уруғга эга бўлиши учун уни етиштириш ва экишга тайёрлаш каби уруғчилик жараёнидаги барча тадбир ва чораларни давлат қонунлари, қоида ва қўлланмалар асосида, ўз вақтида сифатли бажарилишини назорат этади.

Республикамизда 500 дан ортиқ уруғчи мутахассислар, агрономлар, лаборантлар хизмат қилишмоқда. Тармоқда ислоҳотлар ўтказилаётган бир пайтда мутахассислар малакасини ошириш жуда ҳам зарур. Шу мақсадда марказимизда курслар ташкил этилиб, ҳар йили 50-60 мутахассиснинг малакаси оширилади. Элита хўжаликлари, уруғчилик лабораторияларини уруғлик ва тола сифатини аниқлаш учун зарур асбоб-ускуналар билан таъминланади, марказимиз тажриба даласида республикамиз хўжаликларида экилган чигит тўдасининг намуналари экилиб, ғўзанинг навдорлиги аниқланади. Мазкур кўрсаткичга кўра, шу чигит фондидан экилган майдонлардан келгуси йил ҳосили учун уруғлик тайёрлаш мумкин ёки мумкин эмаслиги аниқланади. Марказга айлантирилиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси ташкилотимизга ғалла ва дон уруғчилигини назорат қилиш инспекциясини ҳам бизнинг ихтиёримизга ўтказди. Бу бизнинг мутахассисларимизга янада катта масъулият юклайди.

Республикамиз мустақил бўлгунига қадар биз ўзимиздаги технологияни афзал билиб, ривожланган мамлакатларда қўлланилаётган илғор технологиялар билан танишишга имкон йўқ эди. Масалан, бизга нисбатан 1,5-2 баробар кўп пахта етиштирадиган Америка фермерларига 6-7 та йирик уруғчилик фирмалари сифатли уруғлик чигит етказиб бера олади. Бизда эса ҳар бир вилоятда 4-6 тадан, республикада эса 56 та элита хўжаликлари юқори репродукцияли чигит етиштириб бериш билан шуғулланмоқда. Уруғлик пахта 80 дан зиёд пахта заводида тозаланади. Ҳар бир пахта заводида 30-40 минг тонна пахта тозаланганида ҳолда унинг 10 фоизини уруғлик пахта ташкил этади, холос. Агар айрим пахта заводларда 2-3 хил навдаги ғўза пахтаси тозаланиши эътиборга олинса, бундай шароитда хўжаликларни навдор уруғлик чигит билан таъминлаш жуда мураккаб. Бизнинг асосий камчилигимиз — ҳанузгача 30-йилларда ишлаб чиқилган уруғчилик тизимида ишлаётганимиздир. Бизда пахта уруғчилиги билан иккита мустақил ташкилот шуғулланади, яъни хўжаликлар, ширкатлар, фермерлар уруғлик пахтани етиштириб берадилар, «Ўзпахтасаноатсотиш» тизимидаги пахта заводлари эса уни қабул қилиб, сақлаш, тозалаш ишлари билан шуғулланиб, уруғлик чигитни экишга тайёрлаб, хўжаликларга сотади. Пахта уруғчилигининг бундай тарқоқлиги уруғчиликка ихтисослашган пахта заводларини сифатли чигит тайёрлаш учун зарур замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашда қийинчилик туғдирмоқда. Бу эса уруғчиликда сифатга жавоб берадиган ягона ташкилот бўлишини тақозо этади. 1995 йилда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки республикамизда пахтачиликни ривожлантириш лойиҳасини қабул қилгани уруғчиликни янада ривожлантиришга кўмаклашади. Бинобарин, ушбу лойиҳанинг асосий қисмини уруғчилик ташкил этади.

Мазкур қарорга асосан Фарғона, Наманган, Тошкент, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида 21 та уруғчилик хўжаликлари негизида 5 та уруғчилик корпорацияси ташкил этилди. Бу корпорациялар шу банк томонидан ажратилган узоқ муддатли заём ҳисобига замонавий асбоб ва ускуналар билан жиҳозланган уруғчилик заводлари қурадилар. Уларда юқори самара берадиган саралагич, туксизлантиргич, калибрлаш, дорилагич ва тайёр чигитни автоматик қоплагич цехларига, чигит ва тола сифатини аниқловчи лабораторияларига эга бўлади.

Бу махсус уруғчилик заводларида асосан битта нав пахтаси тозаланиб уруғлик чигит сифатини тубдан яхшилаш ҳисобига чигит сарфини 3-4 йил ичида 30-40 килограммгача қисқартириш имконини беради. Бу республикамиз бўйича 70-80 минг тонна юқори сифатли чигит тежалади, демакдир. Ҳисобларга кўра, ҳар бир корпорация 5-7 минг тонна уруғлик чигит тайёрлаш имкониятига эга бўлса, республикамизда корпорациялар сонини 10-12 тага етказиш тақозо этилади. Бу эса ўз навбатида элита хўжаликлари сонини 25-30 тагача қисқартириш, демакдир. Бу муҳим ишларни амалга ошириш учун биз, уруғшунос мутахассислар корпорацияларга махсус уруғчилик заводлари қурилишида, сифатли уруғлик етиштиришда ва уни экишга тайёрлашда ҳар томонлама ёрдам беришимиз зарур.

Маълумки, сифатли уруғлик фақат пахтаси эрта очилган майдонлардан олинади. Келгуси йил мўл ҳосили учун серҳосил, кўсаги эрта очилган, касаллик ва ҳашаротлар билан зарарланмаган далалардан уруғлик пахтани ёғин-сочинга қолдирмай, қўл билан териб олиш, намлигини 8 фоиздан оширмаган ҳолда саранжомлаш зарур. Ана шунда 1997 йил мўл ҳосилига пухта замин яратилган бўлади.

ИСЛОҲОТЛАР ХАЛҚ МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ислом КАРИМОВ:

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар, бизнинг ҳамма ҳаракатларимиз бир нарсага — одамларнинг турмуш даражасини яхшилашга қаратилгандир.

ҚАТОРДА НОРИНГ БЎЛСА

Қиш яқинлашса, одамларнинг кўзига кўмир конлари кўрина бошлайди. Маълумотлардаги кўмирга тегишли сатрларга эътибор қилиб қолишади.

Бугунги кунда Бойсун кўмир кони жамоасининг қадам олиши ўктам. Бойсунда кўмир заҳираси катта. Мутахассислар бу ерда 90 миллион тонналик заҳира борлигини айтишмоқда. Лекин кончилар жамоаси ҳозирча кичик — 120 нафар киши ишлайди. Иш ҳам шунга яраша: йилига 12-15 минг тонна кўмир қазиб олиняпти. Бойсун кўмирчилари учун энг катта муаммо — темир йўлнинг йўқлиги. Лекин ҳукуматимизнинг Ғузор — Бойсун — Қумқўрғон темир йўлини ўтказиш ҳақидаги қарори қувват бўлиб, жамоа эртанги кун режалари ҳақида жиддий бош қотирмоқда. Биринчидан, тузилган шартномага мувофиқ Бойсундаги 20-ҳунар лицейи кон жамоасига йилига 25 нафар ишчи тайёрлаб беради. Иккинчидан, шахтада кўмирни қазиб олишга, тайёрлашга боғлиқ техник-ташкилий ишлар миқёси тобора кенгайтирилмоқда.

— Яқин келажакда биз йилига 500 минг, ҳатто бир миллион тонна кўмир қазиб олишга эришмоғимиз мумкин. Жамоада эса 1000 дан зиёд одам ишлайдиган бўлади, — дейди кўмир кони бошлиғи С. Кўчаров.

Олимжон УСАНОВ.

Музработ туманидаги ихтисослаштирилган Ал Ҳаким Ат-Термизий номли жамоа хўжалигида шоли ўримига киришилди. Бу йил 2180 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирган хўжалик деҳқонлари давлатга 5100 тонна шоли топширишни мўлжаллашяпти. Айни кунларда хўжалик далаларида 36 комбайн, шу жумладан Америкадан келтирилган битта «Кейс» комбайни юксак унум билан ишлатилмоқда. Ҳар бир шоли ўриш агрегати билан кунига 2-2,5 гектар майдондаги ҳосил ўриб олинаётир. «Кейс» билан эса кунига 20 гектар майдондаги шоли саранжомлаб олиняпти.

Суратларда: «Кейс» комбайни ҳайдовчилари Бахтиёр Кўчкинов ва Одил Жумаев ҳамда ўрим пайти.

И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

АНДИЖОН ТАЖРИБАСИ

Президентимиз Ислом Каримов Андижон ва Наманган-га сафари чоғида икки вилоятнинг қатор саноат корхоналари, жамоа хўжаликлари, болалар муассасалари ва спорт иншоотларига ташриф буюриб, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, хусусан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш борасидаги ишлар билан танишган эди. Айниқса, сафар пайти андижонлик пахтакорлар эришаётган ютуқларга юксак баҳо берилди. Бугунги кунда «Пахтачиликда андижонча усул» ибораси тез-тез тилга олинаётгани ҳам бежиз эмас. Бу усул туфайли андижонлик деҳқонлар юксак самарага эришмоқдалар.

Президентимиз Избоскан туманидаги Нишонбой Жўраев ва Абдусамад Тиллабоев номидаги жамоа хўжаликларида бўлиб, ана шу технология билан батафсил танишди. Далаларда етиштирилган мўл ҳосилни кўриб қувонди. Ушбу технология Хитой, Греция ва Испания пахтачилигида ҳам кенг қўлланилади. Андижонликлар эса бу усулнинг афзал томонларини чуқур ҳис қилиб, республикамизда биринчи бўлиб ана шу тажрибани бир неча йилдан бери қўлламоқдалар. Улар плёнка остида пахта етиштиришни анча ўзлаштириб олишди. Шу боис ҳам плёнка остига чигит экилган майдонлар 10 минг гектарга етказилди.

Янги усулнинг қулай томони шуки, чигитни апрелда эмас, балки мартнинг ўрталарида экиш мумкин. Плёнка остига экилган майдонларда ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам қатқалоқ бўлмайди, тупроқ доим майин ва юмшоқ ҳолатда бўлади. Демак, ортиқча культивацияга ҳам ҳожат қолмайди. Плёнка остидаги ғўза ниҳоллари тез ривожланади ва барвақт ҳосилга киради.

Андижон вилояти пахтакорлари республикамиз вилоятлари орасида пахта терими суръатини ошириш бўйича карвонбошиликни қўлдан бермай келишаётир. Айрим кунлари йиллик режанинг қарийб 5 фоизи миқдорида пахта тайёрланяпти. Айни пайтда эса кунига йиллик режанинг 2,5 фоизидан ошириб ҳосил йиғиштириб олинмоқда. Йиллик режа бугунга келиб 65 фоизга етди. Бу яна бир бор Андижон тажрибасининг нақадар ҳаётийлигини кўрсатиб турибди.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар кенг амалга оширилаётган экан, пахтачиликни ривожлантиришдаги бундай илғор усул барча вилоятларга тезроқ ёйилса, бу соҳада кескин ўзгаришларга эришиш мумкин бўлур эди.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Тадбиркорлар бор бўлсин

ИШЛАГАН ОЛҚИШ ОЛАДИ

• САМАРҚАНД. Нарпай туманидаги «Ғалаба» жамоа хўжалигининг 20 нафардан зиёд илғор теримчи ва механизатори пахта йиғим-теримидан сўнг юртимиздаги сўлим санаторийларда бепул дам олишади, шаҳарларни томоша қилишади. Хўжаликда йиллик режани вилоятда биринчилардан бўлиб бажарганлиги учун ана шундай рағбат беришга қарор қилинди. Қабул пунктларига 2 минг тоннадан зиёд ҳосил топширилди. "Биз режани бажарганлигимизни тантана қилиб ўтирмадик, —дейди жамоа хўжалик раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Акбар Жамилов. — Чунки барча ҳосилни йиғиштириб бўлгачгина элга чинакамига ҳосил тўйи қилиб берамиз".

Т. ФАРМОНОВ.

ФЕРМЕРНИНГ МУКОФОТ ПУЛЛАРИ

• ЖИЗЗАХ. «Дўстлик» туманидаги «Манас» ижара ширкатлари уюшмаси фермери Гадой Шодиев уюшма марказидаги Улуғбек номидаги 12-ўрта мактабни ўтган ўқув йилида фақат беш баҳолар билан якунлаган 31 нафар ўқувчининг ҳар бирига 100 сўмдан мукофот топширди. Мана, уч йилдирки, аълочи ўқувчилар фермер томонидан шундай рағбатлантирилади.

Гадой ака шу йилдан бошлаб мактабни битказиб, олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кира олган ҳар бир ўқувчига минг сўмдан дафтар-қалам пули беришни билдирди. Ҳозирча бундай ўқувчилар уч киши экани маълум бўлди.

К. ЖЎРАҚУЛОВ.

ҚИРҚ ҲУНАРЛИ ЙИГИТ

Асл йигитлар қирқ ёшда қирчиллайди, элликда илиги тўлади, деганларича бор экан. Бўстон ҳам қирқда қирчиллаб, қирқ ҳунарни эгаллаб олди. Агар у 1978 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетини муваффақиятли тугаллаб, Нурота туманидаги Папанай қишлоғига, яъни қўйчивонлар овулига оддий тиш дўхтири бўлиб келган бўлса эндиликда у "Бўстон" хусусий фирмасининг раҳбари. Бу фирма ўз фаолияти, ишлаб чиқариш қуввати жиҳатидан биргина Навоий вилоятида эмас, балки Ватанимизда таниқли. Хўш, нимаси билан? Аввало шуни қайд этиш керакки, фирмада тишни парвариш қилиш, даволаш ва бошқа сунъий чиннилар билан алмаштириш поликлиникаси мавжуд. Унда Тўйқул Жумаев, Саид Ҳақназаров, Умар Жонибеков сингари ўнлаб малакали врачлар, стоматологлар хизмат қилишяпти. Шунингдек, поликлиникада нафақат тиш касалликлари, балки милк ва лаб яллиғланиши, юзжағ хасталиклари ҳам шу кунларнинг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ёрдамида даволяняпти. Энг муҳими, бу ерда майда жарроҳлик, айниқса кишига ҳусн ва чирой бахш этувчи операциялар ўта моҳирлик билан амалга оширилади. Ана шу боис поликлиника ҳамиша беморлар билан, маслаҳат олувчилар билан гавжум.

«Бўстон» фирмасида булардан ташқари бир йўла элликта ҳўрандага хизмат кўрсатадиган ошхона ва чойхона, тижорат дўконлари, йўловчилар оғирини енгил қиладиган отулов ва техниканинг мавжудлигидир. Фирмадаги яна бир хайрли иш — сут ошхонасининг фаолияти. Юзлаб, минглаб хонадонлар соҳибалари, ёш, эмизикли боласи бўлган оналар ҳар куни бу ошхонадан парҳезли, ёғлилик даражаси юқори бўлган сут харид қилишяпти. Ҳатто, туман касалхонаси, болалар боғчаларига ҳам бу фирма сут етказиб беряпти.

— Ҳали бу ишнинг бошланиши, — дейди Бўстон Жумаев. — Эрта-индин биз фирма ҳузурида музқаймоқ цехини, Нурота зилол, хуштаъм сувидан газланган ва қадоқланган минерал сувини ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз. Булардан ташқари яна 2 та тижорат дўкони ва янги нонвойхона қуриб, ишга туширамиз. Фирмада янгидан-янги турдош иш ўринлари муттасил кўпаяди.

Ҳа, излаган имкон, ахтарган макон топади, деганлари шу бўлса керак-да!

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

У БИР АЁЛ — ДУОГЎЙ, МУНИС

«Бугунги кунлардан минг ўргилиб айлансак арзийди» дейди Рухсатой эна

Биз шундай халқмиз

—Рухсатой эна, бовамиз қай касбда ишлаганлар? Отлари ким эди?

— Раҳматли бир умр тракторчилик қилиб ўтди. Отлари... Айтолмайман, уят бўлади...

— У киши билан қандай танишиб, турмуш қургансизлар?

— Вой, ўлмасам!

Энамизнинг юзлари қизариб кетади. Кўзларида бир ўт «йилт» этади. Гўё ўн йилларга яшариб кетгандек туюлади, менга. Сўнг куладилар:

— У вақтлар танишиш қаёқда эди, болам. Мен у кишини биринчи марта чимилдиқда кўрганман!

— Кейин... яхши яшаб кетганмисизлар?

— Бир умр сиз оғзимиз сенга бормади. Бир-биримизнинг соямизга кўрпача солардик. Шу уруш ўлгур бўлмаганда... ҳали узоқ яшармиди, раҳматли. Эҳ, қандай яшаганимизни айтаверсам, битта достон бўлади, болам. Ёзаман девдинг, ёзақол. Мен айтавераман...

«Бердимуродова Рухсатой. Гулистон туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида яшайди. Қариб саксонни қоралаган. Олти фарзанди, қирқ невараси, уч чевараси бор. Биринчи механизатор...»

— Механизаторликни кимдан ўргангансиз? — яна сўрайман.

— Бовангни урушга олиб кетишди. Оқмирзаев деган қари тракторчи бориди. Шунга айтдим: «Трактори ўксиб қолмасин, мен бошқарайин! Кейин шу одам менга уч кунда ўргатди, осон экан, Бовангнинг тракторини ҳайдай бошладим. Биринчи куни бутун қишлоқ келиб мени томоша қилди. Бовангнинг орқасидан иккита укасиям урушга кетди. Ҳам трактор ҳайдаб, ҳам уларнинг уйларига қарашдим, жўжабирдай жон эди, ҳаммаси. Ўзим ўша пайтда тўрт фарзандини ерга берган, қуйган бир она эдим... Олти фарзандингиз-чи, дейсанми?! Урушдан кейин тўғилишган, улар. Эҳ-ҳе, болам-а, ярим кечагача трактор ҳайдардим. Биронта инсон «Ҳой, сен аёл кишисан, озгина дам ол» демасди.

Турмуш оғир эди-да. Тонгга яқин ҳувуллаган катта ҳовлига келиб ётардим. Бир ўзим қўрқмайин деб каравотимга кўр итимни боғлаб қўярдим. Шундай қилиб яшайвердик, ишлайвердик. Трактордан бўшаганимда қурт тутардим, ғўза чопиқ, ягана, чеканка-ю теримда қатнашардим. Ёзни ёз, қишни қиш демасдик...

— Колхоз раисининг гапини айтмадингиз-ку, эна, — дейди кулиб аёллардан бири.

— Ҳа-я... Урушдан майиб бўлиб келган бир калхоз раиси бориди. Шу одам бир куни каттакон майлисда «Рухсатойни ўнта эркакка ҳам алмашмайман!» деган, Рухсатой эна кулади:

— Ўзи эркаклар ҳам йўқ эди-да, ўшанда...

Туманнинг ЗАГС мудираси Адолат Отабекова суҳбатга келиб қўшилади:

— Эна, бу журналист сингли-мизга мукофот воқеасиниям айтиб беринг-да.

— Қўй-е, болам. Фақат шуни гапиртириб қулганинглар — кулган. Энди эскирди, у воқеа. Айтмайман!

— Айтинг, қизиқ-да...

— Майли, айтсам яна бир марта айтай,— дейди Рухсатой эна кула-кула. — Мана бу қизим ҳам эшитсин-да буни.

Сўнг ҳикоя қиладилар:

— Уч йил кетма-кет қурт тутдим. Узиям ҳосили роса мўл бўлди. Ҳаммадан ўзиб кетдим. Учинчи йили битта чиройли рўмол беришди, мукофотга. Шу рўмолни сотиб, пулига битта улоқча олдим. Улоқчам каттариб эчки бўлди, уч йилда учта тўғиб берди. Яхшилаб боқдим, салгина жир битди. Бованг урушдан қайтгган куни биттасини сўйдириб, тўй қилиб бердим.

(Шу пайт аёллар «пиқ» этиб кулиб юборишади. Рухсатой она уларга ёлғондакам пўписа қилади: «Буларга фақат кулги бўлса».)

— Э, қизим-ей, ундан кейинам қаторасига қурт тутдим. Учинчимда кўзим ёриб,туғруқхонадан қайтсам, уйга бир қути қурт ташлаб кетишибди. Ўзи бир хона уйда турамиз. Ҳамма анжомларни кўчага ташиб, шу хонани қуртхона қилдим. Чақалоқ билан ошхонада яшаб турдик. Фақат ишимиз керак эди бошлиқларга ўша йиллари, қолгани билан қизиқишмасди. Бугунги кунлардан минг ўргилиб-айлансак арзийди, болам. Мана, невараларим боласи уч ёшга етгунича уйларида яйраб юришибди. Ишқилиб биз кўрган оғир кунларни, шулар кўрмасин.

Ҳамма бир зум жим бўлиб қолди. «Инсоннинг боши — тоғларнинг тоши» деган мақолни эслайман. «Рост экан» дейман ўзўзимга. Шунда Адолат опа яна суҳбат жиловини қўлга олади:

— Биласизми, синглим. Рухсатой эна бу йилги Наврўзда ҳам мукофот олган, лапар айтиб. Эна, лапар айтиб беринг, ҳеч бўлмаса ёр-ёрларингиздан айтинг...

Ёр - ёр айтсам, кўнглимда битта армон, ёр-ёр,
Армонимни сўйласам, катта достон, ёр-ёр,
Замон-замон, бу замонда суринг даврон ёр-ёр,
Юртни сўраб турганлар бўлсин омон, ёр-ёр...

Рухсатой эна яна кў-ў-п ёр-ёрлар айтди. Менга биринчиси, айниқса, ёқди. Товуши титраб-титраб, кўзлари ёшланиб айтгани учунми...

— Армонингиз борми, эна? — дейман беихтиёр.

— Раҳматли бованг урушдан сўнг унча кўп яшамади-да. Барисига номи ўчгир уруш сабабчи. Бўлмаса-ку, бугунги кунларни биргалашиб кўриб, бирга қувониб юрармидик... Нимаям дердим, қолганларнинг жонлари соғ бўлсин. Тўрт кўз тугаллик, юрт тинчу-омон бўлсин!

— Эна, чарчаб қолмадингизми? Сизни кўп гапга тутдим-да.

— Йўғ-е, ундай дема, қизим. Одамнинг тафтини одам олади. Ишлаб чарчамаган киши гапириб чарчарканми... Энди сўрамасангда, айтай. Ўтган йили шу маҳаллар қишлоқлардаги бари қарияларни йиғиб, пахта теримга чиқдик. «Ёшларга озгина қарашайлик» дедим уларга. Жон-жон деб чиқишади. Бу йил ҳам борига-барака қилиб, теримга чиқяпмиз. Ҳа деган, туяга мадад... Бўлмаса-ку, биз кампирларнинг терган пахтаси қанча бўларди!

— Ўзбек пахтасидан либос кийиб, ўзбекларни алқаган юртлар қанча... Шу меҳрнинг бир қатраси сизгаям тегишлида, энажон, — дейман.

— Иншооллоҳ, болам...

Рухсатой энанинг кўзларида бир учқун ёнади. Меҳрданми, фахрданми... «Ҳақиқий севинч кишини яшартираркан, — дея ўйлайман. — Илоё, умрлари узоқ бўлсин!» Шу куйи омонлашамиз. Менга эса суҳбатимиз ҳали давом этаётгандай туюлаверади...

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

ҲАММА БИЛАДИГАН СИР

ПОРАХЎРЛИК ХУСУСИДА

Ҳамма билса, нимаси сир унинг? Сир бўлса нега ҳамма билади?

Гап шундаки, у кўпинча икки ёки уч киши ўртасида ими-жимида бўлиб ўтади. Шу икки ёки уч киши ҳам иложи борича бу ҳолатга бегона кўзнинг тушмаслигини хоҳлайди. Шунинг учун сир. Аслида эса унинг мавжудлигини тан олмайдиган одам кам. Шунинг учун камоли ишонч билан «ҳамма биладиган» деган аниқловчини қўшдим. Унинг исми ҳам турлича: «соққа» дейишади, «шапка», «қалин» деган номлари бор. Вазифаси ҳам турфа: бўлмаганни бўлдиради, йўнмаганни йўндиради, «йўқ»дан бор қилади. Демак, яхши нарса экан-да, дейсизми? Йўқ, демайсиз. Айниқса, бу нарсанинг кучи, қудрати жуда катта маънавий емирилишларга сабаб бўлаётганини билсангиз, «яхши» демайсиз, дея олмайсиз. Бизнингча, гап нима ҳақида кетаётганини пайқадингиз: пора ҳақида, порахўрлик, таъмагирлик ҳақида!

«Пора» сўзини қачон англаганман? Қачон бу тушунча шаклишамойили билан тасаввуримга ўрнашган? Мен ҳали у пайтда мактабда ўқирдим: онам қишлоқ шўросининг раиси эдилар, уйимизга эрталабдан арзгўйлар йиғиларди. Чунки шўро идораси олисроқ эди. Навбатдаги арзгўйликдан сўнг онам энамга: «Матқурбон дойи бешиқдаги боласига ер олиб қўймоқчи, эвазига менга бир кийимлик мато пора таклиф қилди», — дедилар. Энамнинг: «Сен нима дединг?» деган саволларига «Мисқоллаб йиққан обрўйимни ботмонлаб сочмайман, дойи. Сиз менга берган кийимлигингизни минг жойда гапирасиз. Кераги йўқ, Қонун қачон рухсат берса, ўша пайтда ер берилади дедим», дея жавоб қилганлар. Ўша пайтда «пора» дегани бир кийимлик мато экан-да, деган хаёлга борганман. Бугун тасаввурларим ўзимдай улғайиб кетди...

У ҚАЙСИ ИЛДИЗДАН КЎКАРАДИ?

Бир даврада гап шу хусусда айланди. Ҳар ким ўзи ҳаётда кўрган, билганига таяниб поранинг яшовчанлиги, ҳар қандай тузум, сиёсатдан омон-эсон ўтиб келаётгани сабабларини тушунтиришга уринди:

— Барига муҳтожлик сабаб. Агар энг қуйидан бошлайдиган бўлсак, боғча опаларнинг маоши эҳтиёжини қоплаганида эди, улар ўзлари тарбиялаётган болаларнинг ота-оналари қўлига қараб туришмасди. Ота-оналар уларга от билан туя бермайди, нари борса совун, атир ёки кийимлик совға қилишади. Аммо шу арзимаган бўлиб кўринган поралар уларга моддий кўмак бўлади.

— Муаллимлар ҳам, шифокорлар ҳам шу — маоши меҳнатига яраша эмас — шунинг учун таъма қилишга мажбур, — дейди даврадагилардан бири.

Бошқаси унга эътироз қилади:

— Йўқ, порахўрлик, таъмагирликнинг илдизи бошқа жойда. Ким таъма қилса, ўшанинг имони суст. Тоза одам таъмадан ор қилади. Порадан ҳазар қилади. Етмаганини сабр-қаноат билан етказади, меҳнат-ғайрат билан битказади.

Унинг гапини қувватловчилар кўпроқ топилди:

— Агар етар-етмасдан пора олгани рост бўлса, нега етгандан кейин тўхтатишмайди. Айтайлик, баъзи бировларнинг, айниқса, қўлида имконияти кўпроқларнинг туваги тилло бўлиб кетсаям, қўш иморатлари, қўш мошиналари бўлсаям нега олишни тўхтатмайди? Бўлган сари бўлсам, юлган сари юлсам дейди? Йўқ, гап муҳтожликда эмас, имони сустликда, нафсни тия билмаслик-да! — дейди кўпчилик.

Мен ҳам шулар тарафдориман. Поранинг илдизи — имонсизликда. Уни алдовга мойил жамият кўкартиради, ҳаво, қуёш беради, баравж қилади.

БЕРГАНДА НИМА БЎЛАДИ?

Қишнинг ўрталари эди: Сурхондарёнинг Деновидан бир йигит келди. Қўни-қўшнимдан суриштириб, журналист эканлигимга умид боғлаб келибди. «Опа, бир ариза ёзиб беринг, ноҳақликдан шикоят қилиб келдим», дейди. Гапининг мазмунидан шуни англадимки, йигит 9 нафар фарзандли, меҳнати билан ўзига тўқ яшаётган бир оиланинг боласи экан. Қўшни тумандан бир ошнаси йигитнинг отасидан унча-мунча қарз олибди. Узоқ муддат бермай юриб, охири пулни мутлақо бергиси келмай қолибди. Йигитнинг отасини нотаниш бир жойга алдаб, учрашувга чақирибди. Маст ҳолда бўғиб ўлдирибди. Сўнг «Чол енгилоёқ қизлар билан учрашувга келиб, зўриқиб оламдан ўтди», — деган хабар тарқатибди. Шу хулосани исботлаш учун бу воқеани кўрганлар — гувоҳларга, ишни текширишни бошлагандай бўлиб турган ҳуқуқ ходимларига пора берган. Йигитнинг бу гаплари шунчаки мишмиш эмас эди. Унинг қўлида видеокассеталар, ёзма гувоҳлик қоғозлари бор эди. Йигит отаси, оиласининг шаънини ҳимоя қилиш учун сарсон-саргардон бўлиб юрган экан...

БЕРМАГАНДА-ЧИ?

...Бу хат менга баҳорнинг ўрталарида келди. «Дугонажон, — деб ёзарди Қашқадарё вилояти Қамаши туманида яшайдиган дугонам. — Тўққиз ойлик неварам бехосдан оғир хасталаниб қолди. Касалхонага олиб бордик. Навбатчи шифокор қабул қилиб олгандаёқ, таъмагирлигини билган эдим. Аммо ўша пайтда унинг чўнтагига пул солишга қўлим калталик қилди. Куёвимга хабар қилдим. Афсуски, у қўшни тумандан етиб келгунича кеч бўлди. Неварамга эътибор қилишмади. Мурғаккинам завол бўлди. Икки қўлим шу нафси ҳакалак отган шифокорнинг ёқасида кетади...» Мен дугонамнинг хатига томган кўз ёшларини кўриб турардим.

БИР ОНА ҲАСРАТИ

Бу аёл пойтахтимиз туманларидан бирида истиқомат қилади, ақлли, билимга чанқоқ болалари бор. «Наҳот, боғча, мактаб шундай бўлса? Айниқса, мактабни айтинг — маърифат ўчоғи-я, тарбия ўчоғи-я... Болаларим ёмон ўқиса ҳам майли эди. Нуқул ота-оналари нарса ташиганларнинг баҳоси «аъло», буларники «ўрта». Чорак якунлана бошлаганда «отанг келсин, онанг келсин» қабилида гаплар бўлади. Борсангиз хўп-хўп, бормасангиз, баҳоси ўз-ўзидан тушаверади...»

Мен бу аёлнинг гапига эгиз гапларни бошқалардан ҳам эшитганман. Бир гапни бир нечта одамдан, айниқса бир-бирига нотаниш одамлардан эшитсанг...

ҲЕЧ КИМНИ ТААЖЖУБГА СОЛМАЙДИГАН ТАКЛИФЛАР

Пора билан боғлиқ таклифлар ён дафтарчамга қайд қилинган. Келинг, биргалашиб варақлаймиз:

«Осиё опа деган муаллимамиз бор. Синов дафтарча ичига пул қўйиб узатмагунча имтиҳондан қайтараверади. Пулим йўқлигини билиб, менга бир неча бор «Уйимга бориб киримни ювиб берасан» деди». (Майя исмли талаба қизнинг гапидан, 1994 йил)

«Агар шу совхоз директорлигини менга олиб берса, бир машинанинг пулини бераман. Зўр ишлайман, ишонаверишсин». (1995 йил, Хадича исмли қишлоқ хўжалик фанлари номзоди гапидан).

«Нақ тилло соат олиб келди, индамай олди, ўз ишида қолдиришларини илтимос қилди» (Котиба қизнинг гапи, 1995 йил).

ТАФСИЛОТЛАРДАН СЎНГГИ ФИКРЛАР

Мен узундан-узоқ тафсилотларим билан сизни зериктириб қўймадимми? Буларда ёлғон йўқ, тўқима эмас. Хўш, шундай экан, нега манзилу макони билан аниқ айтмайсиз, дейсизми? Бу саволингизга мақола охирида жавоб бераман. Ҳозир эса жамият томирларига ҳаром қон тарқатаётган порахўрликнинг фойдазарари ҳақида бироз жўнроқ фикр юритмоқчиман:

Бир қараганда пора ишни силжитувчи омилдай. Ҳақиқатан ҳам, у ўртага тушса, юк манзилга осонроқ «юмалайди». Аммо унинг кўзга кўринмас, секин-секин худди ракка ўхшаб емирувчи зарари-чи?

Биринчидан, пора берувчида ўз кучи, иқтидорига ишонч сусаяди. У «пул бермасам, совға бермасам бўлмайди» деган тўхтам билан яшайди. Бу тўхтам уни ожиз одамга айлантиради, ўсишдан тўхтайди. Ўз кучига ишончсиз яшайди.

Иккинчидан, пора берувчининг тўғрилик, ҳалолликка эътиқоди, умиди сусаяди. У пора олгувчидан нафратланади. Аммо жилмайиб гапиради. Бир вужудда икки кўриниш — хиёнат яшайди.

Учинчидан, порага таяниб битказилган иш маънавият билан боғлиқ бўлса, яна ҳам аниқроқ айтсам, иқтидорсиз талаба ўқишга киритилса ё унга пора эвазига яхши баҳо қўйилса ё яроқсиз кадрни ўзи эплай олмайдиган ишга қўйса, бундан жамият фақат катта зарар кўради. Ривожланиш қадами сусаяди, хатолар хатоларни келтириб чиқараверади.

ПОРАНИНГ ЖАЗОСИ БОРМИ?

Ислом қонун-қоидаларидан шарҳ этувчи китобларда пора олиш ҳам, пора бериш ҳам қатъиян қораланади, ман этилади. Яратганнинг қаҳрига сазовор юзиқоралик сифатида саналади. Аммо сиз, «Пора олганларнинг қанчасини биламиз, жаннатда яшагандай яшашяпти», дея эътироз қилишингиз ҳам мумкин. Бўлса, бордир. Аммо шу қиғир йўл билан бойиганларнинг бир қанчасини мен ҳам биламан. Бирининг тақдирини эшитинг: ҳуқуқшунос эди. Хўп пора олди. Бойиди. Уйлар, кийимлар ярақлади... Аммо авжи гуллаётган пайти тўнғич ўғли бизнес қиламан деб отасидан яширин катта миқдорда фоизли қарз олди. Бир гал эплай олмади. Яна бошқасидан қарз олди — йўли очилмади. «Банкрот» бўлди. Отаси хабар топганда, ўғли ўлим билан ҳаёт оралиғида турарди. Фарзанд эмасми — бор-будини сотди. Хотинининг она ёдгор бисотларигача қўшилиб кетди, шип-шийдам бўлиб қолди. Тангрининг қаҳри эмасмикин бу?

Ё яна бошқа мисол. Мансабидан фойдаланиб, не-не пулдорларни масъул ишларга қўйди, бойиди, битиб кетди. Аммо мурод қилиб тўй бераётганда остонасига «ёр-ёр» билан орзулаган келинчак келаётганда сармаст ўғил учта ўртоғи билан сувга машинаси, келинчакка аталган гуллари билан қулаб кетди... Тўй азага айланди. Яратганнинг жазоси эмасмикин бу?

Биз то азобни ўз танамизда татиб кўрмагунимизча мутлоқ бир ҳақиқат — одил бир ҳақиқат — Ҳақ ҳақиқатига гумонланиб қараймиз. Адолат тарозусига шубҳа билдирамиз. Ҳолбуки у бор ва ҳаммамизнинг ҳар бир қадамимиз унинг ҳисоби ва унинг ўлчовидадир.

АЙТИШГА ОСОН...

«— Сизга айтишга осон, — дейди нафақахўрликка ҳозирланаётган қария, — ҳужжатимни тўкис қилиб, тегишли маҳкамага топширдим. «Кутинг, яқинда нафақа оласиз», дейишди. Уч ой қарадим. Почтага борсам, ҳисобда йўқман. Маҳкамага қайта бордим. У-бу деб пайсалга солишаверди. Охири «Сиздан угина, биздан бугина» дейишди очиқчасига. Охири — бериб тинчидим. Асабларимга ачинаман. Бошида қилсам бўларкан, шу ишни». Ана, уруш кўрган, курашчан одамнинг хулосаси...

Менинг хулосаларим-чи? Мен ҳам кўп бор курашга бел боғлаганман. Бир гал Хоразмнинг узоқ бир қишлоғига шикоят хатини текширишга борганман. Хатга имзо қўйганлар имзосидан тонишган. Ҳеч нарсани исбот қилолмай қайтганман. Чунки пора олувчи ва бергувчи ўртасида манфаат бор. Улар, айниқса, бергувчи берганини айтиши мумкин. Аммо гап ҳақиқатни аниқлашга келганида сир тутади. Чунки иккаласи бир Ипга боғлиқ. Демак, уларни Яратгандан ўзга жазолай олмас экан-да, деган хулоса чиқаришга шошилманг. Сохта диплом сотувчилар фош қилингани эсингиздами? Тест ўғрилари-чи? Пора эвазига диссертация ёқлаганларнинг «иши» очилгани ҳам ёдингиздадир? Демак, бу соҳада арқон узун ташланади. Курашувчи доим ўз кучини чамалайди. Уриниши беҳуда кетмаслигига амин бўлгач, ҳаракатга келади. Ахир баъзан беҳуда уринишдан кўра бошқа бир эзгу иш қилган афзал-ку!

Мустақиллигимизнинг олтинчи йили... Унинг қадамлари тобора дадил, тобора аниқ. Аммо Истиқлолга тўғрилик куч беради, ҳақиқат, ҳалоллик қудрат бахш этади. У маънавий тубан ахлоқ билан келишолмайди, яшаш учун курашда Истиқлол бу нарсаларни махв этади.

...Хўш, нега келтирган далилларингизда аниқ манзил, исм-шариф, йўқ деган саволингиз эсимда...

Уларни сиз исм-шарифсиз ҳам таниб турибсиз. Муҳими, ўзи таниялти, аниқ таниялти. Чунки ҳеч ким ўзини ўзичалик билмайди, ўзини ўзичалик тузатолмайди. Навоийнинг:

Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен, ўзингдин истагил.

деган ҳақиқати ҳеч қачон эскирмайди.

Хўш, Сиз нима вазифа бажардингиз бўлмаса, дейсизми? Мен ўзимнинг оғриқларимни тўкким келди. Зора, оғриқларим Сизгаям ўтса, бирга оғрисак... Ахир, куч бирликда дея Соҳибқирон бобомиз бекор ҳикмат айтмаганлар-ку, Нима дедингиз азизлар!..

Кутлибека РАҲИМБОЕВА.

Гап эгасини топади

ФАНИМИЗ САОДАТИ

Инсон хотираси азиз

Буюклик шундай самовий хилқатки, у элатлар орасидаги ҳар қандай фарқни ҳам инкор этади. Магар дунёнинг тўртта даҳоси жам бўлса, улар бир-биридан албатта қавмини сўрамаган бўлурдилар.

Ҳолбуки, тарихнинг бурилиш нуқталарида катта шахслар дунёга келадилар. Бу ўша даврнинг улкан эҳтиёжини қондиргувчи илоҳий таъминот ёхуд саодатми? Мадомики, саодат бўладиган бўлса Магомет Тошпўлатович Ўрозбоев 90 йил муқаддам фаннинг саодати, ўша замоннинг фидойиси бўлиб дунёга келганмиди...

Ардоқли олим, академик, катта инсон М. Ўрозбоев Қўқонда оддий темирйўлчи оиласида дунёга келади. 10 ёшга етмасдан отасидан етим қолди. У шу ёшдан эътиборан оила юкини тортиши лозим эди. Ҳаётнинг турфа сўқмоқларида тобланди. Москвада, партия мактабларида ўқиди. Шу йиллар давомида фан йўлида катта изланишлар олиб борди.

Фанда ёруғ из қолдириш, янгилик яратиш М. Ўрозбоев фаолиятида асосий мезон бўлиб хизмат қилди. У Москвада ўқиб юрган пайтларидаёқ, ўткир заковати, тиришқоқлиги билан таниқли олимлар эътиборини қозонган эди. Фидойи олим ҳақида ҳақ-рост сўзларни унинг замондошлари, ҳамкасблари ҳаётининг биз билмаган уфқларини ҳикоя қиларлар. Унинг улуғ ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор билан Қўқондаги мактаб интернатидан бошланган дўстлиги, ҳамкорлиги умрининг сўнгига қадар давом этган. Бу улкан шахслар бир-бирларига шод-ношод кунлари устун бўлганларининг бир исботидир.

Домла ҳаётимиз учун минглаб мутахассислар етказиб бераётган Тошкент Давлат техника дорилфунунига тамал тошини қўйган олимлардан саналади. У дорилфунундаги 15 факультетни 25 та қилиб кенгайтирган, фаннинг ҳали очилмаган қирраларини талабаларга етказган улуғ мураббий ҳам эди.

Бугун академик, атоқли олимнинг ўзбек фани саҳифаларида қолдирган улкан ишлари ҳамон шогирдлари, талабаларга дастур бўлиб келмоқда. Шундай хушмарғуб кунларни, озодликнинг хушнасимлари таралган Ватанимизнинг бугунги кунини балки бу улуғ инсон ҳам юрак-юрагидан орзу қилгандир. Минг шукрлар бўлсинки, фидойи олим таваллудининг 90 йиллигини шундай эрк дил кунларда нишонлаётганимиз ҳам у кишининг руҳларини шод қилсин, илло!

Озода БЕКМУРОДОВА.

Гарчи ўшал дилдор, ул нодирасан,
Ўшал латофату ул соҳирасан.

Кўзларинг тубида бир мунг кўрдим, Гул,
Сен олис ёшликдан бир хотирасан.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат-лавҳа.

Аломат гаплар

«ГЎРКОВ» НИМА ЎҒИРЛАЙДИ?

НЬЮ-ЙОРК Рочестер Жеффи Уоткинсу эндигина 24 ёшга кирди. Уни тез-тез Викторианск қабристонида учратишади. Шунданми, Жеффини «гўрков» деб атайдиган бўлишди. Аввалига уни шунчаки эрмак учун гўрков дейишса, қабристондан тез-тез ўлик йўқола бошлангач жиддий бош қотириб қолишди. Молмулкини ўғирлашади, ҳатто одамни ҳам. Лекин мурда ўғриси ҳам бўларкан.

Эрта тонг саҳарда полициячилар яна қўл чироқ, белкурак, лом кўтарган Уоткинсуни қабристонда учратишди. Сўроққа тутишди. Шунда у: —Нима, сизнингча, мен мавзолейни ўмаряпманми?— Сўнг пинак бузмай кулиб қўйди. —Амакимнинг қабрини зиёрат қилаётувдим, — деди истеҳзо билан.

Полициячилар Жеффининг уйида тинтув ўтказганда ғалати манзаранинг гувоҳи бўлишди. Астарига «гўрков» деб ёзилган шляпа. «Гўрков» сўзининг ортига эса крест тамғаси босилганди. У бироз тимдаланган. Худди шундай шляпа мавзолейлардан бирида йўқолганди.

Ғалати ўғри 1993 йилда вафот этган Мэри А.Уиттлнинг бош суягини ҳам «ўмарган» экан. Ўзи бўлса, «Афсунгар бўлмоқчийдим, одам миясини ўргандим» дейди у.

Қора мафияга унинг қўлида хизмат қилган Мэтью Мак Кэффри ҳам судда бунга исботлашга уринди.

Жеффи судда: «Мен ўликлар орасида бехавотирроқ яшардим, ўликлар менга руҳий сокинлик берарди» дейди.

Мурда ўғрисини 21 йиллик қамоқ жазоси кутяпти. Жазо ўринли. Инсонни таҳқирлаш жиноят, ўликлар руҳини, бу ўринда жасадини безовта қилиш ўта ваҳшийлик, қабиҳ жиноятдир.

ЯШИЛ МАЙДОН... ЙЎҚОЛДИ

АВСТРАЛИЯ. Бриебендан унча узоқ бўлмаган Голф майдонида ғалати воқеалар содир бўляпти. Айни ўйинчилар шиддат билан тўп сураётганда яшил майдон «йўқоляпти». Кўзга кўринмас шарпа тўпни «беркитяпти», клуб анжомларини ўғирлаб қўяяпти.

Ҳатто «шарпалар» ўйинчиларни чалғитиб «гап қотяпти», айримларини «эргаштириб» олиб кетишдан ҳам тоймаяпти.

— Айни ҳал қилувчи дақиқаларда «ўйноқи шарпа» йигитларни йўлдан оздиряпти,- деб қуюнади клуб президенти Майкл Робертсон. — Шу пайттача уларнинг касофатидан 9 киши юрак хуружига учради. Кериз ва унинг хотини Кей, яна 2 йигит майдонга тушаётиб, бирдан ҳавога «кўтарилса» бўладими?

— Мен эса 4-таймда 237 сантиметрлик тўпни жойидан энди ураман десам бирдан яшил майдон йўқолди,-деб ҳайратланади Британ Банкери, клуб аъзоларидан бири. — Ўйинчилар ёнимга чопиб келишди. Қарасак ростданам майдон йўқ!

Ўйинчилар клуб президентига тез-тез «шўх шарпа»лардан арз қилишяпти. Ишга адвокат Кевин Спенсер аралашди. Адвокатнинг кўз олдида «шўх шарпа» бундан ғаройиб қилиқ кўрсатди. 5-таймда майдонда кучли қуюн кўтарилди. Ҳеч қаерда шамолнинг дараги йўқ эди. Лекин тўпни майдондан 40 метр нарига итқитиб юборди.

Голф ўйинчилари саросимада. Ҳатто клуб анжомлари - стул ёки пиво тўлдирилган кружка йўқолса ҳайратланмай қўйишди. Фақат «шарпа» яна қанча ўйинчиларни қачонгача «ўйнатиши»ни билмай гаранг бўлиб қолишди.

ТЕРРОРЧИЛИК ВА НАРКОБИЗНЕСГА ҚАРШИ

БМТ Бош Ассамблеясида АҚШ Президенти Билл Клинтон барча аъзоларни дунё мамлакатларида жиноятчилик, жамият хавфсизлиги, террорчилик ва наркотик моддалар билан савдо қилувчиларга қарши Декларация қабул қилишга чақирди. У БМТга аъзо давлатларни терроризмга қарши курашнинг мавжуд 10 конвенциясини амалга оширишда бирлашишни, янги конвенция тузишни таклиф этди.

ЎЗИНИ БЕГУНОҲ ДЕБ ҲИСОБЛАМОҚДА

Душанба кунги манбаларда Австралияда бўлиб ўтган суд ҳақида маълумотлар келтириб ўтилганди.

Маълум бўлишича, содир этилган 35 та жиноятда қатнашган, деб топилган Марфин Бруан ўзига қўйилаётган айбномаларни рад этмоқда. Шунингдек, у содир этган 17 та жиноятига Тасмания Олий Суди белгиланган жазодан ҳам бош тортяпти.

Суд ўз ишини қайта кўриб чиқади ҳамда жиноятчи устидан қўзғатилган жиноий ишини ноябрь ойида якунлайди. Бруанни 35 та қотилликда айблашган бўлса, уларнинг ичида энг оғири 28 апрелда Тасманиянинг бош сайёҳлик гўшаларидан бирида 3 яшар қизалоқнинг ўлдирилиши энг фожеали воқеадир. Ашаддий жиноятчининг бу биринчи очиқ судидир.

ОҚ УЙДА УЧРАШАДИГАН БЎЛДИ

АҚШ Президенти Билл Клинтон Яқин Шарқдаги сиёсий можароларни ҳал этиш учун шу ҳафта Оқ уйга Исроил Бош вазири Беньямин Натаньяху, Фаластин Президенти Ёсир Арофатни расмий таклиф этди.

Оқ уйдаги бу муҳим келишувга Миср Президенти Ҳусни Муборак ва Иордания қироли Ҳусайин ҳам расман таклиф қилинган.

Учрашув қатнашчилари орасидаги ўзаро келишмовчиликка қарамасдан, шу ҳафтанинг сешанба ва чоршанба кунлари Яқин Шарқдаги уруш оловини тўхтатиш муаммосига бағишланган учрашув бўлиб ўтиши таъкидланаётир.

Исроилнинг АҚШдаги вакилининг айтишича, Оқ уйдаги бу олий даражадаги учрашув муваффақиятли тамомланиши кутилмоқда.

ЭНГ БАДАВЛАТ АМЕРИКАЛИК

Америкада чоп этиладиган «Фордес» журнали ўз саҳифасида мамлакатнинг шу йилги энг бадавлат одамлари ҳақидаги мақолани босди. Унда айтилишича, 400 та бойлар ичида биринчи ўринни эгаллаган» «миллиардер»нинг бойлиги 18,5 миллиард долларни (ўтган йилгидан 4 миллиард доллар кўп), кейингисиники эса 15 миллиард долларни ташкил этади.

АҚШдаги «бойлар» орасида йил бўйича энг юқори товар айланишига эга етакчи компаниялар ҳам кўплаб топилади.

«Евроосиё» Ўзбек-Россия ҳиссадорлик корпорация бошқаруви «Евроосиё» Қўқон Савдо уйи директори Аҳмаджон Усмоновга падари буюруквори

МАҲМУДЖОН ҳожининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

• Хабарлар оқимидан

ЯНГИ АСАР САҲНАЛАШТИРИЛДИ

Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги Фарғона вилояти театр жамоаси драматург Тўра Мирзо асари асосида «Амир Темур ва Тўхтамишхон» спектаклини саҳналаштирди. Уни давлат мукофоти совриндори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, режиссёр Мамасоли Юсупов саҳнага қўйди. Асардаги бош ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Холмат Икромов, Мамасоли Юсуповлар ижро этишган.

Мухтасархон КАРИМОВА.

ПСИХОТЕРАПЕВТЛАР УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Халқаро маданий — маърифий алоқалар миллий ассоциациясида халқаро тиббиёт секцияси аъзоларининг Европа ҳамкорлик жамиятининг вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди. Республика соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари, халқаро тиббиёт секцияси раиси Равшан Султонов хорижий меҳмонларга ўлкамизда соғлиқни сақлаш борасида олиб борилаётган ишлар, тиббиёт-шуносларимиз қизиқаётган ва шуғулланаётган баъзи бир муаммолар хусусида гапирди.

Мая ОБИДОВА.

" ЎзДЭУавто "ҳақиқатга айланган афсона!

БУЮК КЕЛАЖАК САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Азиз ватандошлар, Асакада, "ЎзДЭУавто" заводида ишлаб чиқарилаётган "ДАМАС", " ТИКО" русумли енгил автомашиналар Сизнинг харидингизни кутмоқда ! Автомобилларнинг "энг афзал томонларидан бири ёнилғини бошқа машиналардан деярли 3 баробар кам сарфлашидир. "ДАМАС" ва "ТИКО" 100 км. йўлга бор-йўғи 4,3 литр бензин сарфлайди. Ўзингиз фараз қилинг, бир хил қуйилган ёнилғи билан бошқа бирон машинада Сиз Тошкентдан Самарқандга етиб борсангиз, "ДАМАС" ва "ТИКО"да Тошкентдан Хивагача боришингиз мумкин.

UZ-DAEWOO
UZ-DAEWOO AUTO CO.

"ТИКО"- сиртидан салони кенг машинадир!



Демак, иқтисодий самара ва ихчам кўринишда ишлаб чиқарилган ўзимизнинг "ДАМАС" ва"ТИКО"ларни харид қилган маъқулдир!
У узоғингизни яқин қилади, оилангизда ҳар кунингизни хурсандчиликка айлантиради.
Келинг, дидингизга манзур рангини ўзингиз танлаб олинг!
Базаларимизда турфа ранглар жилосидаги, барча қулайликларга эга "ДАМАС" ва "ТИКО"лар Сизга мунтазир!
Унутманг, автомобиллар Ўзбекистон ҳудудида бир хил нархда сотилади.

"ДАМАС" - оилавий сайр-саёҳатга, бозор-ўчарга жуда мос!



Автомобилларни "ЎзДЭУавто Ко."нинг расмий вакили "Ўзавтотеххизмат" акционерлик жамиятининг Тошкентдаги ва барча вилоят бўлимларидан сотиб олишингиз мумкин.

Барча саволларингиз билан қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:
54-77- 71, 54 -47 -78, 58 -33 -59, факс: 55- 47 -15

Тошкентдаги манзиллар: Ш Абдуллаев кўчаси 4-уй
Сирғали "Ўзавтотеххизмат" АЖ — Масон кўчаси, 39 -уй.
Тошкент "Ўзавтотеххизмат" АЖ — Халқлар Дўстлиги, 118 -уй.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-26-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир М. АҲМЕДОВ, навбатчи С. ЙЎЛДОШЕВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0563
Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.00.
1 2 3 4 5 6.
СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

XXI АСР ҚАЧОН БОШЛАНАДИ?

Тилсим

Аллоҳ таоло иньом этган ақл-заковат билан инсон ўз атрофини ўрганди. Юлдузлар, Қуёш, Ой ҳаракатларини ҳисоблаб чиқди. Бунинг замирида Эрамиздан аввал, Эрамиз, Давр, Эпоха сингари иборалар яратилди. Сўнг ҳисобкитоблар тақвим, календарь, минг йиллик, асрлар, йил, ой, кун, соат, дақиқа, лаҳза, он каби ўлчовларни оқ қоғозга, тарихга туширишни бошлади. Ҳатто бир бирлик ўлчови—соатни қўлга тақишни одат қилиб олди. Оқибатда Буюк Вақт тушунчаси келиб чиқди. Инсон ўз умр сарҳисобини унга топширди. Намоз ўқиш пайтини, фасллар алмашинишини табиат ҳукмидан кўра, кўпинча соат милларига қараб аниқлайдиган бўлди.

Ҳозирги Қуёш ҳаракатига асосланган йил ҳисобимиз италиялик Рим папаси Григорий XIII фармойиши билан 1582 йил 15 октябрдан бери жорий қилинган, 1918 йил 11 февралдан эса собиқ СССР ҳудудида қабул қилинган Григорий календаридир. «Милодий» сўзи иврит тилидаги «милод» бўлиб, Исо Масиҳ таваллудига нисбат берилиб «туғилиш» демакдир. Ҳозир тўлиқ тарзда милодий 1996 йил десак бўлади.

Худо хоҳласа тўрт йилдан кейин 2000 йил кириб келади. Мингинчи йилнинг «паймона»си тўлиб тарих варақларидан ўрин олади. Кўпчилик одамлар 2000-йилни кўриш орзу-ҳавасида, умидида...

Хўш, XX аср ҳам минглар қаторида кетиб 2000 йилнинг 1 январидан XXI аср бошланади, деб ўйларсиз? Йўқ, ундай эмас экан. Тарихда бу хатоликка рус подшоси Петр I учраган экан. У 1700 йилни XVIII аср боши, деб ҳисоблаган. XX асрнинг сўнгги куни 2000 йилнинг 31 декабридир. XXI асрнинг биринчи куни 2001 йилнинг 1 январидир. Демак, 31 декабрдан 1 январга ўтар кечаси, худо хоҳласа, ўзининг кўп оламшумул воқеаларига бой XX аср билан хайрлашиб, ҳозирги олимлар фараз қилаётган ғоялар асри — XXI аср кириб келади.

2001 йил 1 январдан яна бир тарихий давр бошланиб кетади: Эрамизнинг II минг йиллиги тугаб III минг йиллиги бошланади. III минг йиллик эса навбатида 3000 йилнинг 31 декабригача «гаштини» суради.

Йил ҳисоблари тўғрисида фикр билдирар эканмиз, бу жойда XI асрда яшаб ижод этган аллома бобомиз Маҳмуд Қошғарий томонидан битилган «Девону луғатит турк» ёдгорлигидаги қуйидаги ёзувларга эътиборингизни қаратмоқчимиз. «Турклар 12 хил ҳайвон исмини 12 йилга от қўйганлар. Бунинг келиб чиқиши шундай: турк ҳоқонларидан бири ўзидан бир неча йил олдин бўлиб ўтган урушни ўрганмоқчи бўлган. Бу масала юзасидан ҳоқон қавми билан кенгашди ва айтди: «Биз бу тарихни аниқлашда қанчалик янглишган бўлсак, биздан кейин ҳам шундай янглишадилар. Шундай бўлгач, биз энди 12 ой ва осмондаги 12 буржга асосланиб, 12 йилга от қўйишимиз керак, токи биздан кейин йил ҳисоби шу йилларнинг айланишига қараб олинсин ва бу нарса абадий бир ёдгорлик бўлиб қолсин». Зеро, «Зиё — Шарқдан» деган ҳикматдек, ота-боболаримизнинг йил ҳисоблари Европанинг XVI аср календарларига тамал тошини қўйган бўлса не ажаб.

Жамол Ҳожи Илҳомжон НАЗИРЖОН ўғли,
Ўзбекистон ФА Тарих институти аспиранти.

БУ - ОСОН - ҚУЛАЙ - ФОЙДАЛИ !

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" газетасининг "ОСИЁ БОЗОРИ" иқтисодий-ахборот, реклама иловаси маркетинг ва реклама соҳасида ўзини синаб кўрмоқчи бўлган ҳамюртларимизни шартнома асосида ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Манзил: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: 33-79-14, 33-54-55.

Матбуотда реклама беришни истайсизми ?
Ҳаммасини ўзимиз бажарамиз. Қўшимча тўловлар талаб қилинмайди!
Фақат кўнгироқ қилсангиз бас !

Бизнинг пейджерлар: (067) 464 ёки 5109

"АЗИЯ-ОИЛ-ЭКОГЕОТ" компанияси
пул ўтказиш йўли билан Голландиянинг АИ-95, Қозоғистоннинг А-80, А-91 бензинини, дизель ёнилғисини (Қозоғистон) СОТАДИ
Шунингдек, уларни сақлаш ва қуйиб бериш хизматларини ҳам кўрсатади. Кенг турдаги автошиналар ва аккумуляторлар, Финляндиянинг 15 W 40 мотор мойи, Хитойнинг паркет линолеуми ҳам мавжуд.

Манзил: Тошкент, Пушкин кўчаси, 59. ("УзНИИПРОЦВЕТМЕТ") 1-қават, "Ҳамид Олимжон" метро бекати
Телефонлар: (3712) 68-56-41, 68-16-41, 36-00-45.

«МЕРИДИАН-А» фирмаси
ISTIQLOL
табиий ва шифобахш «Истиқлол» Тошкент маъданли сувини таклиф этади.
Сиғими-1,5 литр, пластмасса идишда.
Ҳақ тўлаш шакли - пул ўтказиш йўли билан
Маҳсулотларни сотиш бўйича дистрибьютерлар ва агентларни ҳамкорликка чорлаймиз.
Манзил: Тошкент тумани, Тулабей жамоа хўжалиги, Собир Раҳимов кўчаси, 3-уй.
Телефонлар: (3712) 45-98-28, 78-12-57, 30-40-93.
Мўлжал: «Тошкент минерал сувлари» санаторийси

Спорт

Шаҳрисабздан Тошкентга чопарлар

Соҳибқирон Амир Темур қадамжолари бўйлаб марафонча югуриш мусобақаси ўтказилади

Юртимизда яна бир хайрли ишга ҳозирлик кўрилмоқда. Бобокалонимиз Амир Темур хотирасини улуғлашга, унинг руҳи-покига таъзим қилишдек зўр саодатга спортчиларимиз ҳам ҳисса қўшишмоқчи. Олисга югурувчилар сардори, республикада хизмат кўрсатган мураббий Ашур Нормуродов Соҳибқирон қадамжолари бўйлаб югуриш мусобақасини ташкил этмоқда. Шаҳрисабздан Тошкентгача югуришнинг ташкилий масалалари хусусида унга бир неча савол билан мурожаат қилдик.

— Албатта, бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, экан. Биласиз, бир вақтлар ўзим ҳам олисга югуриш ошуфтаси эдим. Чемпион ҳам бўлганман. Кейинчалик мураббийлик қилдим. Шу кунларда Тошкент шарқшунослик институтида кафедра мудири бўлишимга қарамай, югургим келиб туради. Бундай ўйлаб қарасам, бу йил йирик воқеаларга бой бўляпти. Бундай хайрли воқеаларни бойитишга ҳисса қўшгим келди. Ҳайтовур, уринишларим зое кетмади. Мени тўғри тушунишди. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган супер-марафон дастури маъқулланди.

— **Байрам кунлари ҳам яқинлашяпти. Тайёргарлик ишлари ҳам ниҳоясига етказилган бўлса керак. Юртимиз жанубидан бошланадиган югуришни пойтахтгача масофани босиб ўтиш билан боғлиқ ташкилий томони ҳақида сўзласангиз.**

— Югуриш бошланишидан олдин марафончиларимиз Тошкентда йиғиладилар. Амир Темур хиёбонида Соҳибқирон ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиб, автобусларда Шаҳрисабзга йўл оламиз. Мусобақага эса бобокалонимиз таваллуд топган Хўжаилғор қишлоғида, у кишининг ҳурматини бажо келтиргач, старт берилади. Дастлабки босқич Шаҳрисабзгача белгиланган. Қадимий шаҳарда югурувчиларни кутиб олиш, улар билан мулоқотда бўлиш, обидаларни зиёрат қилиш каби тадбирлар уюштирилади. Оқшом йиғилишида Амир Темурнинг ёшлиги ва ўсмирлигига оид суҳбатлар бўлади. Эрта тонг билан эса шаҳарлик ҳаваскор югурувчилар ҳамкорлигида навбатдаги баҳс бошланади. Бундай югуришлар давомида туман, шаҳарлардаги спортчилар ҳам сафимизга қўшилиб, оммавийлик касб этиб бораверади. Олдиндан келишилганидек, ДАН ходимлари йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайдилар.

Ғузор шаҳрида югурувчилар орасидан камида 6-8 нафар пешқадамни аниқлаб, уларни мукофотлаш маросими ўтказилади. Барча вилоят, туман ҳокимликлари, хўжалик, корхона ва фирмаларнинг ҳомийлик тариқасида ғолибларга аталган совға-саломларини ҳозирлаб қўйиш кўзда тутилган. Қарши шаҳрига кириб бориш ҳам ўзига хос маросимга айланади. Бу ерда ҳам навбатдаги марра ғолиблари маълум бўлади. Яна йиғилишлар, сайллар, юртимиз, истиқлол ва Соҳибқиронни мадҳ этувчи қўшиқлар янграйди. Эртасига Косон, Мубарак, Бухоро, Ғиждувон, Қизилтепа орқали Навоийга етиб, дам олинади. Ўзги Каттақўрғон, Самарқанд, Жиззах, Гулистон, Сирдарё ва ниҳоят, Тошкент сари йўл оламиз.

Биз камида 50 кишилик марафончи билан қийин, аммо фахрли ва масъулиятли ишга қўл ўряпмиз. Боиси, марафончи югуриш ҳадисини олган бўлиши зарур. Чунки оз эмас, кўп эмас — жами 1300 километр йўл босиб ўтишга тўғри келади. Югуришимиз 5 октябрь эрталабдан бошланиб, 17 октябрь куни Тошкентда якунланиши кўзда тутилган. Сафимизда Бахтиёр Қурбонов, Ботир Мўминов, Улуғбек Мамадалиев каби моҳир марафончилар бор. Ўйлаймизки, супермарафон мамлакатимиз спорт ҳаётида ўзига хос воқеа бўлиб қолади.

Суҳбатдош: Ҳайдар НОСИРОВ.

ТАШКИЛОТ
Италия газ плиталари, кир ювиш машиналари ва электроплиталарини, Франция ТЕФАЛ чойнакларини, калькуляторларни йирик векселларга СОТАДИ
Тошкентдаги телефон: (3712) 33-99-51.